

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (3792). | Сешанба, 19 март 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.


НАВБАТ—ЙИЛЛИК ПЛАНГА

Янги йўлдаги Свердлов номи колхоз чорвадорлари ол дастурхонига қўйлаб гўшт, сут етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хўжаликда бўрдоқчилик ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу гўшта топириладиган молларни янса мўддатда яхши семиртириш ва давлатга юқори семирликдаги гўшт етказиб бериш имкониятини туғдирмоқда.

Колхоз бўрдоқчилари янгида катта ютуқни қўлга киритдилар. Улар давлатга гўшт топиририш ярим йиллик планини мўддатидан анча илгари ошириб бажардилар. Эл дастурхонига 440 центнердан зиёдроқ семир гўшт армуғон этилди. Колхоз чорвадорлари эндиликда йиллик планини ҳам барвақт бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

М. ПЕНСЕНОВ.



БУ ЙИЛГИ МАРРАМИЗ:

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 22 минг тонна гўшт, 72 минг тонна сут, 60 миллион дона тухум етиштирамиз ва барча категориялардаги хўжаликлар бўйича давлатга 19,5 минг тонна гўшт, 59 минг тонна сут, 52 миллион дона тухум ва 1175 тонна жун сотамиз.

ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бўка районидagi «Ленин» колхозини ҳам қаддини ростлаб олди.

Бултур бу колхозда ҳосилдорлик гектар бошига 1,6 центнер кўтарилди. Бир колхозчи ҳисобига 5,1 тоннадан пахта ишлаб чиқарилди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик маоши 98 сўмга етди.

Машина билан пахта териш соҳасида ҳам анча силжиш бўлди. Етиштирилган 2515 тонна пахтанинг 1393 тоннаси машина билан териб олинди. Бир вақтлар машхўр бўлиб, ҳосилдорликда районда пешқадам ҳисобланган кейинги йилларда эса ҳосилдорликда пасайиб кетган бу колхозда ҳозир ана шундай силжиш юз бермоқда. Колхозчилар хўжаликнинг эски шухратини тиклаш учун кўнгли қўйиб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Рашид Холматов бошлиқ участкада 195 гектар пахта майдони бор. Колхозчилар, азамат механизаторларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бу участкада ҳар гектар ердан олинган ҳосил планда кўзда тутилганидан 5-6 центнер ошди. Комил Каримов бошлиқ звенода эса ҳар гектар ердан пландагидан 9 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олинди. Ортиқ Саидалиев, Қўлдош Фозилов, Рашид Холматов бошлиқ звено ва участкаларда ҳам шу каби юқори натижаларга эришилди.

Аммо ердан фойдаланиш, ҳар гектар ердан кўпроқ даромад олиш нўнот назардан қараганда, бу колхоздаги ишлар мақтарли эмас. Масалан, Бўка районидagi «Гулистон», «Октябрь» 40 йиллиги, Намуба номидаги, Гимназия номидаги колхозларда ҳар гектар ердан олинган даромад 1184 сўмдан 1503 сўмгача етди. Кўнчалик хўжаликларда бир гектар ердан олинган даромад бир минг сўм атрофида бўлди. «Ленин» колхозини эса 778 сўмданга тўғри келди. Бу, районда энг паст кўрсаткичдир.

Албатта, ердан кўпроқ фойда олиш ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг хилма-хил томонлари ва қирралари бор. «Ленин» колхозини ҳозир ердан унумли фойдаланишга қаратилган баъзи тадбирлар амалга оширилган. Колхоздаги бошқа экинлар билан банд бўлиб кетган 46 гектар ерни алмаштириш мақсадида чигит экишга тайёрланмоқда.

Маида карталарни йиритлаштириш, бундай карталар ўрта-сидаги бекор ётган уватларни, йилларни ерга қўйиш учун ҳозир далаларда икки бўлдоздор ишлаб турипти. Шундай йўл билан пахта майдонига 15 гектар ер қўйиш қўзда тутилмоқда. Техникадан унумли фойдаланиш учун кенг йўл очилмоқда. Бундан ташқари, ҳалигача фойдаланилмаган 15 гектар ерни ўзлаштириш тадбирлари қўйилган. Шундай қилиб, бу йил колхознинг экин майдони 30 гектарга кенгайди.

Дарҳақиқат, бу колхозда ердан фойдаланиш, кўпроқ фойда олиш учун қилиниш лозим ва

жуда зарур бўлган, аммо колхознинг қурби етмагача ишлар кўп. Маана шу тўғрида гапирмай ўтиб бўлмайди.

Бир вақтлар донг чиқарган «Ленин» колхозининг пахта майдони 700 гектар эди. Ҳозир у қир ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1260 гектарга етди. Лекин, шу ерлардан 285 гектари Гижгон массивига жойлашган заххаш ерлар, 240 гектари кирда, насос билан сув чиқариладиган, сувга таъсир ерлардан иборат. Пастда зах кирда сув таъсирлиги ердан унумли фойдаланишга салбий таъсир қилмоқда.

Қирдаги 240 гектар ерга насос билан чиқарилган сув 2 километрдан кўтарма қаналдан оқиб кетди. Лекин, маана шу 2 километрдан қаналнинг ташвиши бир неча йилдан бери бартариб бўлмапти. Маълумки, бу янги ўзлаштирилган қир ерларда ўқон кўп, сал сув юрishi билан бир қанча ер ўпирилиб тушиб кетди.

Кўтарма канал бетон қилинмаган, шунинг учун авни гўзалларга сув қуйиш пайтларида қанални сув уриб кетди. Шу сабабли колхоз бу қанални тўзатишга ҳар йили қанча тахта, ёғоч, толь сарфламоқда. Лекин, бу ерлардан олинмагача ҳосил колхознинг унумини пастга тортимоқда.

Аъзам Аҳмедов бошлиқ қир участкасида 80 гектар пахта майдони бор. План бўйича шу ернинг ҳар гектаридан 16 центнердан ҳосил олиниши лозим эди, олинган ҳосил 12 центнердан ошмади. Негатив, кўчат намиди? Йўқ, ҳар гектар ердан кўчат бўлтур йилдангидан кўп эди. Бироқ, сув етишмаганидан бор кўчатларда ҳосил экин бўлмади. Худди шу сабабли ўзини Норматов бошлиқ участкадаги 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 10,5 центнердан ҳосил олинди. Район, область сув хўжалик система ходимлари бу ерларни кўп марта келиб кўрдилар. Ҳозир кўриб, ачинаб ҳам кетдилар, қанални бетолаштириш зарурлигини қайта қайта таъкидладилар. Бутун таъсиз шундан нарма ўтмади. Шундай қилиб, ҳосилдорликнинг, ердан унумли фойдаланишнинг гарови бўлган бу муаммо ҳамон муаллақ турпти.

Гижгон массивида 285 гектар заххаш ерларнинг мелiorация аҳолини яхшилаш учун катта завор қазини иши ҳам қўл бўлган йўқ. Пенскентдаги сув хўжалик системасининг бошлиғи Раҳим Дадаонов ҳам колхоздаги аҳолини кўриб ачинаб кетган. Лекин, ачинаш билан иш битмайди. Икки-уч йилдан бери қирдаги қанални бетолаштириш тўғрисида давом этаётган овозлар амалга ошмади, минг ачинаганининг фойдаси йўқ. Қўлоқлидан энди чиқиб қаддини ростлаб келаётган «Ленин» колхозига ердан унумли фойдаланиш учун амалий ёрдам қилиш керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкентдаги олий партия мактаби ҳузурида раҳбар партия ва совет ходимлари учун республикалараро доний курслар очилган эди. Бу курсларни куни кеча яна тингловчилар битириб чиқди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон шаҳар ҳамда район партия комитетларининг секретарлари бир олий мактабда КПСС тарихи, марксизм-ленинизм, коммунистий интисод, партия қурилиши масалалари юзасидан лекциялар тингладилар. Таниқли олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, унга қардош республикалар партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари лекция ўқидилар.

Курсларнинг тингловчилари ўз иш тажрибаларини ўртоқ

лашдилар. Улар Тошкент ва Чирчиқдаги йирик саноат корхоналари партия ташкилотларининг фаолияти билан танишдилар, Оржоникиде ва Оққўрғон районларида бордилар.

15 мартда ўтказилган якуловчи машғулотда КПСС Марказий Комитети Қисёсий Бюроси аъзолига қандайд, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Яқин кўнларда бу курсларда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон меҳнаткашлар депутатлари советлари шаҳар ва район икхона комитетларининг раислари, шаҳар ва район газеталарининг редакторлари машғулотга қирнашдилар.

Биз 1-«Таштрансспецстрой» трестига қарашли бешинчи бошқарманинг икки бригадаси ҳақида ҳикоя қилдик. Трестда бундай бригадалардан ўнлаб бор. Улар ўз ҳалол меҳнатлари билан йўлларимизни равион, шахримизни обод қилмоқдалар.

Ш. УСМОНОВ.

ҚИРК БИНОКОР

40 бинокор. Ҳар бири икки-уч касбининг лири. Улар бунёд этаётган бинолар аҳоли дилига жуда мос тушган. 40 бунёдкорга 14 йилдай бери Мирҳамид Кабиров бошчилиқ қилмоқда. Бригада хўжалик ҳисоби асосида ишлайди.

Утган йиллар ичида аҳил коллектив Чилонзорда бирнеча мактаб биноси, кафе, ҳар бири 411 ўринли 6 та ётоқхона, 2 мингдан ошқ квартиралар туғдирди. Бу 5-қурилиш трестининг 30-бошқармаси бригадалари ўртасида эришилган энг юқсар кўрсаткич ҳисобланади.

Мирҳамид ақининг шогирдларини айтмасанми! 200 да ошди улар. 153-трестнинг 14-бошқармасидан дурадторлар бригадаси раҳбарлари. Ҳабибулло Каримов, Василей Ширнецелар унинг энг яхши шоғирдаларидан ҳисобланади.

Кабиров бригадаси аъзолари ҳар ойда ўртача белгиланган 22 минг ўрнига 35-40 минг сўмлик иш бажаришмоқда. Иш икки сменала ташкил этилган. Бригада ўзининг қоршима тайёрлаш ўзелига эга. Теканкор коллектив ҳар қайси объектдан 4-5 минг сўмлик бинокорлик материалларини ақтисод қилмоқда.

Бригада аҳли шу кўнларда Мукнинг қўчасида қад кўтаратган 106 квартиралар турар жой биносини мўддатидан икки ой аввал, яъни март ойида қўлда чикаришга интиляпти. Шу қурилишда камида 5 минг сўмлик бинокорлик материаллари тежаб қилишга аҳд қилинган. Улар беш йилликнинг учинчи йили топириқларини муваффақиятли бажариш ва доҳимиз В. И. Ленин туғилган кўнининг 100 йиллиги қўнига мўносиб армуғон тайёрлаш йўлида шундай сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар

И. ОБЛОЕРОВ,
бинокор.



ПОЛТАВА шаҳридаги 2-ремонт-қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг секретари Иван Тихонович Кузнецов доҳимиз В. И. Лениннинг му ноҳир портретини кўп йиллар мобайнида ўз уйида сақлаб келмоқда. Бундан 35 йил мўқаддас И. Т. Кузнецов Туркменистонда партия ва совет ишида хизмат қилиб юрган негларда ун Туркменистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Фахрий аълиғи билан тақдирланиб, унга арлик билан бирга Владимир Ильичнинг ана шу портрети тилидан этилган эди. Бу портрети Роза Люксембург номидаги фабрика ишчилари шойдан тикишган. Суратда: И. Т. Кузнецов В. И. Лениннинг портрети билан.

П. Кенало фотоси,
(ТАСС фотохроникаси).

ЧУПОННИНГ АҲДИ

Чупонлик Мазонир Йўлдошевнинг бобо насбидир.

Унинг бобоси Муллаер ота 2-«Охангарон» совхозига қариб ўтти яил чўпонлик қилган. Шу даврда ўзининг моҳирлиғи билан бошқа чўпонлар ўртасида ҳурмат қозонган. Муллаер ота ўз касбини набираси Мазонирга ҳам ўргатди. Мазонир мактабни битиргач, қадрдон қишлоғида қолиб, чўпонлик қила бошлади.

Мазонир бу шарафли касбда энди янсончи йил ишлаётган бўлса ҳам, меҳнатсеварлиғи, ғайратчилиғи билан ҳамманинг оғзига тушиб қолди. Юбилей йилида ўз зиммасига олган юқсар социалистик мажбуриятни ошириб адо этди.

Илғор чўпон Мазонир Йўлдошев шу кўнларда қўзлатиш кампаниясини тобора авж олдириб юборипти. Унга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Б. ОТАҚУЛОВ.

ҚАНОТИМИЗ ПЎЛАТДАН

Техника таянчимиз, қанотимиз пўлатдан, дейишда деҳқонлар. Дарҳақиқат, меҳнат аҳлининг кўнлидаги тап бу. Негатив, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, айниқса пахта етиштиришнинг техникасиз тасаввур қилиш қийин. Бир вақтлар бобоқалонларимиз омонтирлаб, экин оққан бўғаллар, эндиликда ер ҳайдади, чигит экиш, гўза қатор орадариини икки томонлама қўлтирди қилиш, пахта териш, кўсак юлиш ва чувиш, гўзалояни карчоива қилиш, хуллас, пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг қариб ҳаммаси техника кучи билан бажариламоқда.

Бунинг бригадаси мисолида ҳам оқи-ойдин кўриш мўкин. Шу хусусда гап кетганда, ўтган йилги кўрсаткичларни мисолга келтирмастан илож йўқ. Бултўр 53 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирилди. Пахтанинг 93 проценти биринчи сорта қабул қилинди. Ҳосилнинг ярминдан кўпроғи машинада саранжом-саранжталаб олинди. Бу билан тапнарх аввалги йилдагига қараганда қариб 40 процент камайди.

Шу рақамларда қилинган ишларимиз ўз аксини тоғандиғи кўриниб турибди. Бунга биз, даставвал, барча ишларни машиналарда бажарганлигимиз, минерал ва маҳаллий ўғитлардан ишнинг қўзини биллиб фойдаланганимиз, вегетация янги даврида гўзани маромида сўрганлигимиз, вақтида озиқлантириб, чопиқ қилганлигимиз туфайли эришганмиз.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Трансформатор заводи коллектини янгидан-янги маҳсулотларини тайёрлашни ўзлаштирилди. Янгида «ТМЗ-1000» маркали трансформатор ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги трансформаторнинг экин типидангидан фарқи шундаки, унга қимматбаҳо мис ўрнига алюминий ишлатилган. Натижада маҳсулотнинг вазни камайди, тапнарх арзонлашди ва сифати яхшиланди.

Бироқ, бу йил ана шу кўрсаткичлар билан мўтлақо чегараланиб қолмаймиз. Чунки, мамлакат биздан аъло сифатли пахта талаб қилар экан, биз ҳам ҳосилдорликни мўтасил ошириб боришимиз керак. Бунинг учун эса комплекс механизациялашган бригадаси ҳосилдорлигини янги ерларни очиб ҳисобига эмас, мавжуд экин майдонларини яхши ишлаш ҳисобига оширишга сўз берди.

Беш йиллик план топириқларини мўддатидан илгари бажариш ва улуғ доҳимиз В. И. Ленин туғилган кўнининг 100 йиллигини мўносиб меҳнат совғалари билан

ҳосилга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Экин майдонлари кўзда 30-32 сантиметр чуқурликда шудторанди. Ёр ҳайдаш олдидан ҳар гектар майдонга 100—120 килограммдан суперфосфат ва 3—4 килограммдан гўнг солинди. Шундай қилиб, ерларимиз бутун киш давридаги етмиш ва қордан, қўшдан баҳорамад бўлиб кўчиб ётибди.

Биз қишни бекорчилик даври деб ҳисобламадик. Биринчидан, барча сув тармоқларини қазидик, эскиларини ремонт қилдик. Бир группа аъзоларимиз маҳаллий ўғит тўплаш билан шугулланишди. Улар жамгар

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

кутиб олиш учун кураш ҳамма жойда, ҳар жаёҳда қизгин тус олган ҳозирги давларда биз ҳам зиммамизга юқсар мажбурият қабул қилдик.

Қисқача қилиб айтганда, мажбуриятимиз маана бундай: 53 гектар ерга чигит экамиз. Ҳар гектар майдондан 45 центнердан пахта топираимиз. Ҳосилнинг 95 процентини биринчи сортага ўтказамиз. Энг асосийси — ялли пахта ҳосилнинг 90 процентини машинада терамиз.

Ҳар қандай ваъда ҳам вафоси билан чироили эканлигини, қилинган ишлар ва топириқлар маҳсулот билан ўлчанамизини яхши ҳис етган бригадаси азаматлари бу йилги мўл

ган маҳаллий ўғит гўзани озиқлантириш ва «шарбат» оқизиш вақтида жуда-жуда қўл келди.

Иккинчидан, бригада иштиридаги чопиқ трактори, селка ва қўзғатувларини, шунингдек, терим машинасини сифатли ремонтдан чиқариб қўйдик. Эндиликда барча техникамиз бетўтов ишлашга шай бўлиб турибди, деб бемалол айта оламиз.

Қиш ҳам ўтиб кетди. Далаларда баҳор нафаси кезмоқда. Деҳқон баҳорини бошладди. Ҳадемай ерга уруғ тушди. Бунинг учун барча тайёргарлик ишларини бажо келтириб қўйибмиз. Чигит экиладиган 53 гектар ернинг ҳаммаси яхши-

ЧИРЧИҚ КОРХОНАЛАРИДА

Шунингдек, корхонада май ойидан бошлаб 2500 киловатт-соатдан 16.000 киловатт-соатгача қувватга эга бўлган янги чил трансформаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ИНЖЕНЕРЛАР ҲИССАСИ

Давлат азот саноати институти Чирчиқ филиали қурилиш

бўлимининг бир группа инженерлари шаҳарда қад кўтаратган маданий-маиший муассасалар бинолари учун лойиҳалар чизиб бермоқдалар. Инженерларнинг бу ибратли ишлари айниқса икки қўнлик дам олиш ҳафтасига ўтигандан сўнг янада кенгайди.

Шундай қилинганди тайёр йўлни арзаймаган иш учун қайта бузиб ўлтирилмайдик.

Ҳа, биз шаҳар кўчаларига бутун асфальт ётқизиб, эртасига тариллатиб ўйишаётганини жуда кўп ўрганимиз. Лекин бу бригадаси бундай роқеа факулдодлар ҳол ҳисобланади.

Меҳнат аҳли ташкил этилганлиғи туфайли бригада ойлик план топириқларини 130—150 процентдан бажармоқда.

Бригада аъзоларининг ақсари янги кўнларда кўп йиллардан бери ишлаб келаётган қишлоқликлар. Н. Иноғамов, У. Ашуров, А. Ҳанимов ва бошқа бинокорлар ўн йилдан кўпроқ иш тажрибасига эгалар.

Биз йўлга асфальт ёки бетон ётқизибдан аввал арқиқ ва қурувларни ўтказиб оламиз, дейди бригадир Э. Мустафоев

ҚУРУВЧИЛАР ЙЎЛДОШИ

Ҳозирги вақтда қурувчилик касби кенг маъно касб этган. «Таштрансспецстрой» ишчилари ҳам ўзларини бинокор деб аташга ҳақлиқлар. Чунки уларнинг иши бинокорларники билан чамбарчас боғлиқ. Улар қурилиш объектларига борадиган йўллар, сув қурувлари, канализация шохобчалари, муваққат кўприк қурадилар, арқиқ ва зовулар қазийдилар.

«Гавташкентстрой»га қа-

рашли биринчи «Таштрансспецстрой» трести ана шундай вазибаларни амалга оширади. Шу трестнинг 5-бошқармаси коллектив йўллар четига темирбетон ариқлар ётқизади, унинг атрофларини текислайди. Бошқарманинг Э. Мустафоев бошлиқ бригадаси аъзолари шу кўнларда Тошкентнинг Шимолий-Шарқий зонасида меҳнат қилмоқдалар. Металлистлар кўчаси бўйлаб юрар экансиз, йўл

четига ётқизилган текис темирбетон новаларни қурабди. Бу Э. Мустафоев бригадаси азаматларининг ишидир. Бригадада меҳнат пухта ташкил этилган. Натижада иш сифатли чиқаяпти.

Маълумки, эндиладан шикастланган кўп йўллар, ҳовлилар текислаб юборилди. Қўлаб дов-дарахтлар қазлаб ташланди. Шахримиз иссиқ кўлимли бўлгани учун дарахт жу-

да зарур. Ана шунинг назарда тутилган йўллар ҳар бир ниҳолни асраб қолтишга уринадилар. Эскиаватор билан қазилса дарахтларга зарар етадиган жойларда белмўрақлар ишга туширилади.

Бригада аъзолари асфальт ва бетон йўллар қуришда ҳам катта тажрибага эга. Улар ётқизган бетон ёки асфальт йўлда ҳеч қачон чўккан эмас. Бетон қуйиш олдидан кўча юзасига сийрак симтўр ёйилади. Симтўр устига қуйилган бетон анча мустаҳкам бўлади.

Биз йўлга асфальт ёки бетон ётқизибдан аввал арқиқ ва қурувларни ўтказиб оламиз, дейди бригадир Э. Мустафоев

— Шундай қилинганди тайёр йўлни арзаймаган иш учун қайта бузиб ўлтирилмайдик.

Ҳа, биз шаҳар кўчаларига бутун асфальт ётқизиб, эртасига тариллатиб ўйишаётганини жуда кўп ўрганимиз. Лекин бу бригадаси бундай роқеа факулдодлар ҳол ҳисобланади.

Меҳнат аҳли ташкил этилганлиғи туфайли бригада ойлик план топириқларини 130—150 процентдан бажармоқда.

Бригада аъзоларининг ақсари янги кўнларда кўп йиллардан бери ишлаб келаётган қишлоқликлар. Н. Иноғамов, У. Ашуров, А. Ҳанимов ва бошқа бинокорлар ўн йилдан кўпроқ иш тажрибасига эгалар.

Биз йўлга асфальт ёки бетон ётқизибдан аввал арқиқ ва қурувларни ўтказиб оламиз, дейди бригадир Э. Мустафоев

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ЛУГАТ-СПРАВОЧНИК

Пахтачилик, деҳқончиликнинг умуман қишлоқ хўжалигининг суянган тоғи механизациядир. Қолхоз-совхозлар машиналар системаси билан таъминланганда, уларнинг техника билан қуролланиш даражаси кўндал-кўнга ортиб боради. Шу билан бирга хўжаликларда механизатор кадрларнинг сифри ҳам тўхтовсиз ўсиб борапти.

Кадрлар механизациянинг тилини билиши, уни пухта эгаллаши лозим. Ана шуларни ҳисобга олиб, «Ўзбекистон» нашриёти Аслам Ҳамидовнинг «Механизацияга оид лугат-справочник» китобини босмадан чиқармоқда. Бу китоб техникани ўрганишда механизаторларнинг катта ёрдам беради.

Асар илгарги тўпламлардан фарқ қилади. Ҳозирги кунда техника бекиёс ривожланган. Янги сўз ва иборалар, терминлар пайдо бўлган. Лугатда шулар ҳисобга олиниб, механизацияга оид сўз ва терминлар маъноси билан бирга танишларини ўқитилади, механизм, деталь ва ускуна-механизмларнинг ишлаш тартиби, тузилиши ҳақида ҳам қисқача маълумот берилади. Лугатда шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва механизацияга оид адабиётларда турли шаклларда ёзилиб келинган бозор тўқимачилигининг имконияти борича ўзбекча шаклини тиклаш, шу йўл билан механизатор-деҳқонлар ва механизация билан боғлиқ бўлган бошқа касб эгаларига енгиллик яратиб беради.

Хуллас, А. Ҳамидовнинг бу китоби механизаторларга, механизацияга қизиқувчи ёшларга, студентларга яхши қўлланма бўлади.

Ў. УТАЕВ.

МОСКВА — ПОЙТАХТИМИЗ, ФАХРИМИЗ

ПОЙТАХТИМИЗ Москва шаҳрининг кўп асрлик илано-масида 1918 йил 11 март катта ўрин тутди. Шу кунин ўша пайтдаги Николаевск перронига (ҳозирги Ленинград вокзали) Петрограддан махсус поезд келиб тўхтади. Бу поездда Владимир Ильич Ленин бошлиқ партия Марказий Комитетининг аъзолари ва Совет ҳукумати раҳбарлари келишган эди.

Совет давлатининг марказини Москвага кўчириш ҳақидаги қарор В. И. Ленин ташаббуси билан қабул қилинган эди. Шу кезлари Петрограднинг ҳарбий нотинчлик бегона қилари. Шунингдек, улкан мамлакатнинг ҳамма томонларидан олиб келинган йўл Москва шаҳрида туташар эди. Шунинг учун республикани бошқариш, революцияни ҳимоя қилишга Москва қўлай шаҳар эди.

Шундай қилиб, улут шаҳрининг тарихида янги давр бошланди. Москва шаҳри дунёда ишчи ва деҳқонлар давлатининг биринчи тўғри пойтахти бўлиб қолди.

Ҳукумат поездидан Москвага кеч соат саккизларда килиб келди. Халқ Комиссарлари Советининг аъзолари вафтинча «Националь» меҳмонхонасида жойлашди. Владимир Ильич ва Надежда Константиновна меҳмонхонанинг учинчи қаватидаги 107-номерида икки хона ажратилган эди.

Шу кунин кечқурун Петрограддан Москвага келишда Ленин ўзининг поездда ёзган махшур «Кўнларимизнинг му-

ҳим масалалари» мақоласини нашрга беради. Эртаси кунин эрталаб москваликлар бу мақолани «Известия» газетаси саҳифаларида ўқиди.

1918 йил 12 мартда В. И. Ленин Кремлга кириб келди. У билан Я. М. Свердлов, Н. К. Крупская ва В. Д. Бонч-Бруевич ўртоқлар бирга эдилар.

Баҳор кўнларининг бири. Соат 12 да машина Троицкий дарвозасига келиб тўхтади. Соқчилар одат бўйича машина ёнига келишди. Навбатчи соқчи сўради:

— Машинада ким келипти?

— Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Владимир Ильич Ленин, — жавоб қилди Бонч-Бруевич.

СОВЕТ ДАВЛАТИ МАРКАЗИНИНГ МОСКВАГА КЎЧИРИЛГАНЛИГИНИНГ ЭЪЛИК ЙИЛЛИГИГА

Машина Кремль ичкарасига кирди...

Уша пайтда бу ерда ҳар қандамда янги бўлиб ўтган жангларнинг изи, Кремль деворларида ўқларнинг излари кўриниб турар эди.

В. И. Ленин Бутуниттифок Марказий Икхона Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети учун мўлажалланган бинонинг хоналарини кўздан кечирди.

Шу кунин Париж, Лондон, София, Берлин, Вена, Рим, Константинополь ва бошқа бир қатор чет эл пойтахтларига, шунингдек ҳамма депутатлар Советига қўйилган маълумот йўлланган эди.

«Федератив Совет республикаси ҳукумати Халқ Комиссарлари Совети ва ҳокимиятнинг олий органи — ишчи, солдат,

деҳқон ва казак депутатлари Марказий Икхона Комитети Москвага келди. Алоқа уюми адрес: Москва, Кремль, Халқ Комиссарлари Совети ёки Цик-совет».

Доҳимизнинг биринчи иш кунин Кремлин айланиб чиқиш билан тутамди. 12 мартда Ленин 1917 йил февраль революциянинг бир йиллигига бағишланган кечада Москва Советининг биносига сўзга чиқди. Шу кунин кечқурун шу муносабат билан Лефортовда меҳнатқилларнинг митинги бўлиб ўтди. Ленин бу ерда ҳозирги шароит ҳақида нутқ сўзлади.

Мана, эълик йилдирки, СССР Олий Совети Президиу-

мининг ва СССР Министрлар Советининг биноси устида Совет Иттифокнинг Давлат байроғи мағрур ҳилпираб турибди. Бу байроқ Москвага, бекиёс мамлакатимизга нур таратиб турибди. Москва мамлакатимизнинг сиёсий маркази, СССР ва Россия Федерациясининг пойтахти ҳисобланади. Москва — рус ва украин, белорус ва латин, якут ва бошқар, қозоқ ва ўзбек... халқларига бирдек қадрдон.

Бу ерда СССР Олий Советининг мажлислари бўлиб туради. Москвадан партияимизнинг Ленинни Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети халқимизнинг яратувчилик меҳнатига раҳбарлик қилади. Бу ерда улкан беш йилликларнинг

муҳим планлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Бу планлар мамлакатимизни улкан индустриал-қолхоз тузумига айлантирди.

Москва — мамлакатимизнинг халқаро алоқалари пойтахтидир. Бу ерда халқаро конференциялар ўтади. Чет эллик туристлар ва расмий делегатлар келиб туради. Ер шаридаги тинчлик учун курашган соф дия одамларнинг назар-эътибори Москвага қаратилган.

Бугунги Москва улкан санат, илмий ва маданий марказ ҳисобланади. Меҳнатқил шаҳар кўпел эрилади — ва автомобиль ишлайди, автоматик линиялар ва программа бўйича бошқариладиган дастгоҳлар беради, самолёт ва электр асбоблари, шунингдек мураккаб турли асбоблар, понафаза, тўқимачилик материаллари, холоидиллик каби кўпел маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

1917 йил Москва шаҳрида 20 та олий ўқув юрти бўлган. Билим юртларида 34 минг студент ўқирди. Эндилкида пойтахтнинг 74 та олий ўқув юртида 600 минг студент билим олмоқда.

Москвада СССР Фанлар академияси, медицина, педагогика, рассомчилик академиялари ишлаб турибди. Бу ерда 500 дан ортиқ илмий-техник институт, конструкторлик бюрolari, лабораториялар бор. Москвада энг яхши музей ва кўргазмалар, театр ва концерт заллари, энг подир тарихий ёдгорликлар жойлашган.

Қаҳрамон эълик йил ичиди Москванинг архитектура жиҳози нийоатда ўзгариб кетган. Ун-



да 6,5 миллион аҳоли яшайди. Бу ерда ўнлаб янги турар-қурув массивлари қад кўтарган.

Дунёда энг яхши метрополитен, университетнинг улкан комплекси, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, Калинин проспектидаги гигант уй, Европада улкан «Россия» меҳмонхонаси; бўйи ярим километрлик телевизион марказ минораси — булар барчаси Москва хуснига-хусн қўшиб турибди.

Москва байроғида қаҳрамон шаҳрининг олтин юлдузи пор-

лаб турибди, унга иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени тақилган.

Москва шаҳрининг Октябрь революцияси биринчи йилларидаги кўринишини кўз олдингизда тасаввур қилар экансиз, Совет давлатининг пойтахти эндиликда дунёда энг чироили ва обод шаҳарга айлангандан фахрланиб кетасиз.

В. КНЯЗЕВ,
Л. ЗАХАРОВ,
ТАСС мухбирлари.

Дунё хабарлари

Америка пропагандасининг аянчли афсоналарига ҳақиқат ҳаққоний фактларни қарама-қарши қилиб қўймоқда: Жанубий Вьетнамнинг бутун халқи АҚШ агрессиясига қарши қўзғолди. Қаҳрамон халқнинг кураш байроғи бўлмиш ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМНИ ОЗОД ҚИЛИШ ФРОНТИНИНГ сиёсий программасини мамлакатнинг бутун миллий кучлари, шунингдек ер куррасининг бутун тинчлик-севар кучлари қўллаб-қувватламоқдалар.

АНГОЛА ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ДОРУССАЛОМ. (ТАСС). Ангола озодлиги учун курашган кишилар Нинда шаҳрида португалиялик қотилларнинг назармасига ҳужум қилдилар. Африка ватанпарварлари шу ҳужум давомида салазарчилар-

нинг кўпгина солдатларини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар. Ангола озодлиги учун курашувчи халқ ҳаракати партияси, штаб қароргоҳининг бу ерда тарқатилган ахборотида шу тўғрида гапирилади.

ГОРЬКИЙ ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

СОФИЯ. Болгария жамоатчилиги Максим Горький туғилган кунининг 100 йиллигини кенг ишониллашга ҳозирланмоқда. Шаҳар ва қишлоқ клублари ва циркхоналарида, ўқув юртларида улут ёзувчига бағишланган адабий кечалар, унинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида лекция ва сўзбатлар ўтказилмоқда. Горький китобларининг қўл ёзмалари ва юбилейга бағишланган фото виставкалар ташкил этилмоқда.

Мамлакат театрларининг деярли ҳаммасида М. Горький пье-

саларини саҳнага қўйиш учун тайёрланмоқдалар. Миллий филмотека ёзувчининг асарлари асосида суратга олинган кино фильмларни намойиш қилишни уюштилади. Болгария радиоси ва телевидениеси юбилей муносабати билан катта программа тайёрлайди.

Болгария Фанлар академияси ва адабиёт институтини юбилейга бағишлаб ўтказилган илмий сессияда Болгариянинг кўзга кўринган ёзувчилари ва адабиётшунослари қатнашадилар. (ТАСС).

Блайберг уйига қайтиб келди

ЛОНДОН. 58 яшар Филипп Блайберг операция қилиниб, унга бошқа одамнинг юраги ўрнатилган эди. Энди у касалхонадан тузалиб уйига қайтиб келиб биринчи кечани шу уйда ўтказди. Чет эл телеграф агентликлариининг Кейптаундан берган хабарига айтилшича, унинг соғлиги ҳозир қаноатланарли.

Блайбергни 2 январда профессор К. Бернард раҳбарлигидаги бир гурупа хирурглар операция қилган эди. Блайберг шу операциядан сўнг 75 кун даганда, яъни 16 мартда Кейптаундаги «Хроуте схиор» касалхонасидан уйига тузатиб юборилди.

ЎЗ ХУКУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

ФИНЛЯДИЯ

Хельсинки. Финляндияда касалхоналар медицина ходимлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг иш ҳақи ошири. лилини талаб қилиб бошланган забастоваси давом этмоқда. Агир шу ҳафтаининг октябрдаги бир битимга эришилмаса, 16 мартда Хельсинки, Тампере ва Турку шаҳарларидаги касалхоналарнинг забастовасида қатнашаётган ходимлари ишни бутунлай тўхтатдилар, деди Финляндия медицина ходимлари касабга солини раиси Тойни Нюсиайнен.

МЕКСИКА

МЕХИКО. Мексиканиннг электр энергия ишлаб чиқарадиган компаниялари ишчи ва хизматчиларидан ўн минг киши ўзларининг иш ҳақини 10 процент ошириш тўғрисидаги талабларининг қондиллигини аришдилар, деб хабар беради «Националь» газетаси. Корхона эгалари забастовка хавфидан қўрқиб ён босишга мажбур бўлдилар.

Мамлакатдаги ресторани ва меҳмонхоналар ходимларидан 60 минг киши иш ҳақи намойишга-ганлиги муносабати билан забастовка қилмоқчилар.

ПЕРУ

ГАВАНА. Перу олия ўқув юртларининг ўқитувчилари ва хизматчилари иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, 24 соатлик забастовка ўтказдилар. Мамлакат олий ўқув юртлари хизматчилари федерацияси иш ташлашчилар, ни қўллаб-қувватлади. Федерация атар ҳукумат ўқитувчиларнинг талабларига қўлоқ солмаса, у тақдирда умумий забастовка ўтказиш ниятида эканлигини айтди. Пресса—Латина агентлигининг мухбири Лима шаҳридан ана шулар ҳақида хабар беради. (ТАСС).

Совет Иттифоқи билан қардош Бирма ўртасида алоқа кўп йиллар мобайнида ривожланиб, мустақамлашиб бормоқда. Совет Иттифоқи ёрдамида Бирманиннг Рангун шаҳрида янги институт, Тауяндин шаҳрида оша шифохона қад кўтарди. Рангун технология институтида бир гурупа совет ўқитувчилари ишламоқда. Суратда: институтнинг архитектура кафедрасининг ўқитувчилари (чапдан) В. Л. Дорощев ва С. С. Ожегов ўртоқлар студентларнинг навбатдаги амалий машғулот ишларини кўздан кечиришляпти.

Н. Новиков фотоси.
ТАСС.

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ЖАНГЛАР

ПАРИЖ. Жанубий Вьетнам халқ озодлиги қуролли кучларининг жангчилари Куанг Нгай яқинида 11-Америка пилёда қўшинлари бригадасининг бўлимайлари билан бутун тўн бўйин жанг қилишди. Бу райондаги жанг 17 мартда ҳам давом этди ва Америка қўмондонлиги бу жангларда огир вертолётлардан фойдаланди.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабарига айтилшича, Жанубий Вьетнам партизанлари демилитаризация қилинган зонаниннг Жанубида

Америка денгиз пилёда қўшинлари позициясини каттиқ тўнга тутдилар, натижада Америка денгиз пилёда қўшинлари катта талафот берди ва Американиннг қирувчи-бомбардирмончи самолётларидан бири уриб туширилди.

Халқ озодлиги қуролли кучларининг жангчилари Кхесанда Америка денгиз пилёда қўшинлари базасини ўтга тутиб, бу база устига 130 та ракета ва тўп ўқи ёғдирдилар. Зялини, Донгха, Камло ва Конгхендан иборат оператив районда душ-

ман позицияларига 440 та ракета ва тўп ўқилари билан зарбалар бериб турган пайтда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Гуадагу Америка қўшинлари штабини ўққа тутдилар.

ХАНОЙ. Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари 17 мартда Американиннг бир самолётини Ханой тепаида уриб туширдилар.

Шимоллий Вьетнам зенитчилари 16 мартда Американиннг икки самолётини Хайфон тепаида уриб туширдилар. 14, 15 ва 16 март кунлари, Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари Тхайбин, Нгеан ва Намха вилоятларининг территориялари тепаида Американиннг уч самолётини уриб туширдилар.

Вьетнам Демократик Республикаси территорияси тепаида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сон 2800 тага етди.

ТУНИС БАЙРАМИ

Тунис халқи ўз мустақиллиги кунини тантанали нишонламоқда. Бундан 12 йил муқаддам қаҳрамон тунис халқининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган миллий-озодлик кураши туғайли мамлакат мустақиллигига эришган эди.

Тунис Шимоллий Африканиннг урта қисмида жойлашган араб мамлакати бўлиб, территорияси 165 минг квадрат километр, Аҳолиси 4 миллион 500 минг кишини ташкил қилади.

Туниснинг уч минг йиллик тарихи бор. Асрлар оша мамлакатда ҳар хил босқинчилар ўз ҳукмронлигини ўрнатиб келганлар. Аввал араблар, кейинчалик турлар ўз сибастларини ўтказдилар. 1881 йилда Тунис француз қўшинлари томонидан босиб олинди. Босқинчилар энг яхши ерларга, фойдалан қазилма конларга эъриш билан эга бўлиб олдиди. Хукудасилик, очлик, қашшоқлик, касаллик ва ёлпасиз саводсизлик — тунис халқининг қисмати-га айланди.

Мамлакат халқи босқинчиларга қарши узоқ вақт давомидида курашиб келди. 1920 йилда Тунис коммунист партияси ва Миллий дастур партияси ташкил топди. 1934 йилда Дастур партияси тарқалди, унинг радикал қанлотидан Янги Дастур партияси тузилди. Бу партия халқининг миллий-озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилди.

Тунис халқининг мустамлакачиларга қарши олиб борган кураши иккинчи жаҳон урушидан кейин айниқса кучайиб кетди. 1951 йилда француз мустамлакачи маъмурилар миллий-озодлик ҳаракатини қурол кучи билан бостиришга уриниб кўрдилар, аммо халқ кураши кун сайин несириллаша бори. Нийоат, 1954 йилиннг ёзида Франция ҳукумати Туниснинг ички автономиясини эътироф этишга мажбур бўлди.

Бу гаалаба мустамлакин йўлидаги дастлабни қадам эди. 1956 йил мартда Туниснинг мустақиллиги тўғрисида Франция—Тунис битими имзоланди. Шу кундан

Мустақиллик йилларида миллий санаот ҳам вукунда кела бошлади. Қисқа вақт ичиди кон, металлургия, химия, қурилиш материаллари ҳамда озин-овнат маҳсулотлари санаоти анча ривомланди. Тунис фосфор ва зайтун ёғи ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллайди.

Хукумат маориф ишини яхшилаш мақсадида мактабларда ўқиш ҳақини беиор қилди, студентларга стипендия тайинлади. Шаҳар ва қишлоқларда бошлангич ва ўрта мактаблар, техника билим юртлари ҳамда олий ўқув юртлари очилган. Тунис пойтахтида янги университет ўз ишини бошлади. 1966 йилда мамлакатда 1200 га яқин бошлангич мактаблар бўлиб, уларда 500 мингдан ортиқроқ бола таълим олди.

Ҳозирги кунда мамлакат эко. номмасини ривомлантиришнинг 1965—1968 йилларга белгиланган турт йиллик лани баъарилиш арафасида турибди.


Тунис ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги мамлакат озод бўлган дастлабни кунларданок бошланди. Совет Иттифонининг Бегазас ердаида бир канча санаот корхоналари, тўғонлар, электростанциялар ва олий ўқув юртлари қурилди. Айниқса, Кисеб электростанциясини нуриб тугаллашда Совет Иттифонининг ёрдами беиикдор каттадир. Тунис билан Совет Иттифок халқлари ўрта-сидаги маданий алоқалар ҳам кундан-кунга ривомланимоқда. Жуылладан, 1965 йил май ойида «Бахор» халқ ансамбли Тунис шаҳарлари бўйлаб концерт берди.

Республика ўзининг ташқи сибастида бетарафлик йўлини қўллаб келмоқда, барча тинчликсевар давлатлар билан дўстлик муносабатларини ривомлантириб, мустамлакачилар сибастига ва империалистинг агрессияга қарши чиқмоқда.

Т. ФАЙЗЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг халқаро шарҳловчиси.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка агрессорлари ва уларнинг Сайгондаги қўғирчоқ қўшинларига қарши қақшатғич зарба бераяпти.



Санитария-техника асбоблари заводи турли хил узунликда ва диаметрда бўлган пўлат қувурлар ишлаб чиқара бошлады. Янги маҳсулот асосан қишлоқ хўжалигида, хусусан сугорни ишлари ва пахта тозалаш заводларида кўпроқ қўлланилади. Суратда: машинист С. Вангяши тайёр қувурларни текшириб кўрмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ШОИР ХОТИРАСИ

Чилонзор районидидаги 157-мактаб ўқувчилари ўзбек демократ ва маърифатпарвар шоири Фуркат хотира-сини ҳам тантанали нишонладилар. Мактаб клуби, тил ва адабиёт кабинети шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини аниқ эттирувчи деворий газета, матога дид билан тизилган шоир саъдатининг картаси, таъланган асарлари ва стендлар билан ин-ҳозланган.

Шоирнинг махшур «Сайра»си садоси янграйди. Мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Маҳкам Исмолов кетани очди. Шоирнинг «Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида» 8-синф ўқувчиси У. Асомова, «Фуркат — маърифатпарвар шоир» деган мавзуда ўқучи Ф. Муҳаммадинилов доилад қилдилар. Мактаб бадиий ҳаваскорлари ижросида шоирнинг газалларини ижро этилди. Кеча шоир, ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий ўйин—топишмоқ билан якунланди.

А. ШУКУРОВ,
Р. ИНОГАМОВ.



ОҚ ХАЛАТЛИ МЕҲРИБОНЛАР

(ХАТЛАРНИ УҚИБ)

...Клиникага бир беморни олиб келишди. У бутунлай бе-хуш эътибор. Унинг атрофини оқ халат кийиб олган шифокорлар ўраб олишганди.

Шифокорларнинг тадбирли чоралари: кетма-кет қилинган анализлар, берилган дори-дармонлар ўзи кучини кўрсатди. Кунлар ўтиши билан унинг аҳволи яхшилана борди. Кейинчалик бемор дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетди.

Бу ерда газетхон Ш. Умаровнинг редакциясига йўлланган мақоласидан кичик бир лаҳза келтирдик. Автор Тошкент Давлат медицина институтини асос касалликлари клиникасининг шифокорлари ҳақида батафсил хикоя қилган. Клиника профессор Наби Мажидов раҳбарлик қилади. Бу ерда беморларни даволашда шифокорларнинг самарали фойдаланишмоқда.

Оржоникидзе районидagi Жданов номи колхоз эълолари шифокор К. Қодировни жуда ҳурмат қилишди. У меҳнатини бировдан сира алмайдиган. Касалхонага келган беморларни даволаш учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Колхоз фелдшер К. Қодиров ҳақида газетхон Т. Рузметов фахрлини ёзган.

Янгийўл районидagi Охунбоев номи колхознинг «ХХП партсъезд» участкаси ўзининг намунали амбулаториясига эга. Бу ерда сидқидилдан меҳнат қилаётган Асалий Ҳасанов ва хизматидан ҳамма хурсанд. Газетхон Т. Рузметов ўзининг мақоласида бу меҳрибон шифокорнинг ибратли ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган.

Шифокор Холдигул Бересте-мова «Пискейт» совхозиди ишлайди. Унга совхознинг «Пар-

тия XIX съезди» участкаси би-риктириб қўйилган. Ўзининг ишчилиги ва меҳрибонлиги билан совхоз ишчилари ўрта-сида натта обрў қозонди, деб ёзди газетхон Ж. Отақулов.

Редакциямиз Н. Ўрибоев (Янгийўл), О. Абдулжалов (Тошкент), Н. Исмаилов (Бўка) ва К. Собиров ўртоқлар ҳам хат-хабарлар олди. Уларда жумладан, Ўзбекистон қон қу-йиш илмий-тектириш институ-ти шифокорлари тўғрисида, қишлоқ врачлари ҳақида хикоя қилинади. Газетхон Т. Мамасо-лиев ўз мақоласига «Она каби меҳрибон» деб сарлавҳа қўйиб-ди. Унда врач К. Рафурова то-монидан олиб борилаётган иш-лар хикоя қилинган. Шунинг-дек, газетхонлардан Т. Сориев, К. Собиров ўртоқлар ҳам редакциямизга хат ёзишди. Ор-жоникидзе районидagi Хондай-лиқ қишлоғининг меҳрибон ва-рач Р. Йўлдошев ва Янгийўл районидagi Свердлов номи колхозининг участка даволаш пункт мудири З. Панларнинг қайноқ меҳнатларини илиқ сў-злар билан тарангум эттирган.

Ҳа, бундай жонқуяр ва иш-чан шифокорлар ҳақида ёзил-ган хат-хабарларни ўқиганим-изда «қўлингиз дард кўрма-син, саломатлик посбонлари, ба-рака»-ла» дейсиз.

ЛУНАЧАРСКОЕ кўчаси атро-фида янги-янги бинолар қад қў-тармоқда. Яқин вақтлар ичиди ўн-лаб турар-жойлар, маданий-ма-ний муассасалар, богча-ясли бин-олари қурилиб фойдаланишга топ-ширилди. Суратда: Луначарское кўчасида қурилган янги бинолар.

Ф. Мельников фотоси,
ЎзТАГ фотохроникаси.

КЎЧАЛАРГА ЯНГИ НОМЛАР

Собиқ «Октябрь» колхоз-территориясида вужудга келган ва Тошкентда «Бешқайрағоч» деб аталган янги уй-жой мас-сивида ўнлаб кўчалар пайдо бўл-ди. Бу кўчаларнинг ҳаммасига Туркистон ўлкасида Октябрь революциясига актив қатнашган кишиларнинг, Граждан уруши ва Ватан уруши қаҳрамонлари-нинг, таниқли олимлар, ёзувчи-лар, Ўзбекистон пойтахтидаги машҳур кишиларнинг номлари берилди.

Эндиликда янги магистрал-лардан бири Октябрь воқеа-ларининг актив қатнашчиси, эски шаҳар совети ижроия комитети-нинг аъзоси А. Ҳакимбоев кў-часи деб аталади. Бошқа бир кўчага 1918 йилдан бери КПСС аъзоси, темирйўл ишчиси П. И. Илёсов номи берилди. Октябрь революцияда революцион комитет аъзоси бўлган П. И. Илёсов кейинчалик ҳарбий-революцион трибунал раиси, бир қанча пар-тия ва совет органларининг раҳбари лавозимида ишлади.

Ёзувчи ва тарихчи Ибра-ти, Ўзбекистоннинг собиқ молия халқ комиссари А. Саидхо-нов, жиноятчиларга қарши ку-рашда халок бўлган милиция лейтенанти А. Оришхонжаевлар-нинг номлари билан ҳам кўча-лар аталадиган бўлди.

Маҳалалар ва уй бошқарма-ларида «Бешқайрағоч» масиви-даги кўчаларга номлари берил-ган кишиларнинг ҳаёти ва фа-олияти тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда. (ЎзТАГ).

ГРАЖДАН МУДОФААСИНИ ЎРГАНИНГ

БУНИ ҲАР КИМ БИЛИШИ КЕРАК



Р адиоактив моддалардан зарарланган районда қандай иш қилиш керак? Ядро қуроли-нинг портлаш булдутидан радио-актив чўкмадар тушиб, зарар етказиши мумкин. Шундай бу-лут яқинлашганда ҳақида граждан мудофаси штаблари радиотрансляция шохобчаси ор-қали еки товуш сигнал билан оғоҳлантиради. Шу тўғрисида ха-бар ешитган, унинг еки тай-еблар қўйилган пада жойининг герметиклигини текшириш, де-раза ва эшикларни берkitиш, уларга парда тутиш, озиқ-овқат ва сув запаслари, мол, уй па-рандаси, қудуқларни берkitиш қўйиш лозим.

Очиқ жойда туриш ҳавфли. Бунда нурланиш дозаси тўла (100 процент) таъсир еттиши мумкин. Қолбун, бир қаватли ёғоч уйда турилганда бу доза икки хисса, очик хандақда ту-рилганда уч хисса, ишлаб чи-қариш биносиди ва ёғоч уйнинг подвалиди етти хисса, еттиш уйда ўн хисса, усти ёниган хандақда, папада ва иштани уйнинг подвалиди 40—100 хис-са қамалди. (Суратга қаранг).

Шахтада еки бошқа очик қонда яшириниш радиоактив нурланишларнинг таъсиридан батамом сақланишга имкон бе-ради.

Радиоактив чўкмадар туша бошлагани ҳақида радиотранс-ляция шохобчалар орқали ва «Радиоактив зарарланиш» сиг-нали билан (релсисн тез-тез уриб, бонг еки қўнғирқоч чалиб) албатта оғоҳлантирилади. Шун-дай сигнал берилганда дарҳол индивидиал химоа воситалари-ни кийиб, пада жойга бориш керак. Радиоактив моддалар-дан қучли зарарланиш эваси-даги пада жойда бир неча сут-ка туришга тўри келади. Шу сабабли озиқ-овқат, ичимлик, сув, дори-дармон ва энг зарур нарсаларни, шунингдек озиқ кийимлар, ёритиш воситалари.

Учрашув қандай натижа билан туғилган қатъий назар ҳам-шаҳарларимиз масеуи бошланиши олдида аёқоиб футбол томошаси-нинг гувоҳи бўлиб қолаларди. Бу-йин «Интервение» системаси билан бутун Европада кўрсатилади ва Бутунитиоф радионос орқали олиб эшиттирилади.

С. МУСАЕВ.

иситиш асбоблари ва аптека олиб олиш керак.

Радиоактив моддалардан зарарланган жойдан худ-беҳуда-да юриш мумкин эмас. Зарар-ланган йилвога мол ҳайдаш, унга ифлосланган ем-хашак бе-риш ман этилади. Ичтиш ва ов-қат тайёрлаш учун сувни фа-кат водопроводдан ва химоа қилинган қудуқлардан олиш керак. Қалин муз қатлами бил-дан қопланган очик ҳавзалар-даги сув ҳам ҳавфсиз. Радио-актив чўкмадар тушган пайда уйнинг дераза ва эшикларни очилмаган бўлса, холоиди-ларда, ошхоналарда, шафлар-да, ёртўраларда, шунингдек полиетилен қопларда, шиша идида, сирли идишда сақлан-ган масаллиқлар овқатга яра-йеради. Радиоактив моддалар-дан зарарланган картошка, саб-зи ва бошқа илдизмеваларни синчиқлаб, ювиб, тозаллаб, об-дон иширигандан кейингина еиш мумкин.

Химиявий зарарланиш ўчо-ғида ҳаракат қилишни ўрга-нинг. Душман заҳарловчи мо-далар қўйлагани ҳақида радио-трансляция шохобчалари орқа-ли ва «Химиявий ҳужум» сиг-нали бериб хабардор қилинади. Бу сигнални эшитган тезда противогаз ва терини химоа қилувчи воситаларни кийиб олиб, яқин орада пада бўлса унга кириб яшириниш керак. Химия воситаларини қийган бўлса-ю пададан ташқариди-да қийиб кетиш маъқул. Чиқиб кетиш йўлини граждан мудо-фаси постлари кўрсатиб бе-ради. Зарарланган территория-да тез юриш, аммо ҳовлиқма-да ва қангитмаслик лозим.

Зарарланган жойда узоқ ту-риш кўп зарарла н и ш г а олиб келади. Ҳаракатланганда тева-рак-атрофиди нарсаларга тегиш керок эмас. Қаттиқ ча-ратан бўлибса ҳам химоа во-ситаларини емаган маъқул.

Талваса тутиб турган киши-ни учратиб қолинса, унга дар-ҳол антидот (заҳарга қарши до-ри) бериш лозим. Чунки у-и нервини палаж қиладиган заҳар-ловчи моддалардан зарарлан-ган бўлади. Антидот махсус шприц-тюбикларга тўлдирила-ди. Бу тюбиклардан фойдалана-билиш керак.

Бактериал воситаларнинг зарар етказишидан қандай сақланиш керак? Бактериал во-ситалардан зарарланиш ҳақида одатда радиотрансляция шохоб-чалари орқали бериладиган сиг-нал билан оғоҳлантирилади. Барча медицина қисмлари ва муассасалари кишиларни ка-саллиқдан сақлаш ва даволаш-га доир шийлигич чоралар қў-радлар. Аммо хавфли инфек-цияларга қарши курашида бу-тун аҳоли ўз-ўзига ва бир-би-рига ёрдам кўрсатиш йўли бил-лан актив қатнашгандагина бу кураш муваффақиятли бўлиши мумкин. Оилада еки ишда ка-салланганлар ҳақида медицина муассасаларига тез хабар бе-риш лозим. Шу билан тева-рак атрофдаги кишиларни касал-лик юқишидан сақлаб қолганим бўлади. Медицина ховлиқлари-нинг кўрсатмасига мувофиқ шийлигич профилактика ўтқа-ниш, квартирани жамоат фой-даланиш жойларини, озиқ-ов-қат, сув, идиш-товоқ, кийим-кечак поймафал, қўрпа-тушак, мебелни дезинфекция қилиш лозим.

Юқумли касалликларни тар-қатидиган кемирувчилар, паш-ша, бурға ва қаналарни бут-кул йўқотиш керак. Бактериал воситалардан зарарланган тер-риторияда касаллик микроби-нинг тури аниқлангунча махсус режим-карантин жорий қилина-ди. Карантин даврида аҳоли учун белгиланган ҳамма қон-даларга қатъий риоя қилиш ке-рак. Карантин эълон қилинган райондан чиқиб кетишмаслик ло-зим. Болаларнинг ҳовлида югуртишти ва ўртоқларининг ёнига боришти йўл қўймаслик керак.

Уйдан чиққанда противогаз, респиратор еки чанга қарши нийоб тутиб юрган маъқул. Юқумли касалликларни па-варити қилганда озодаликка пушта риоя қилиш керак. Про-филактик эмалашлардан ва ка-саллиқнинг олдини олувчи до-рилар ичиндан бош торгмас-лик лозим.

Хом сув ва қайнамаган сўт ичмаслик, касалликларни пи-шириб еки қувириб овқат қи-лингани маъқул.

Зарарланган райондан чи-ққач, нима қилиш зарур? Кийим, поймафал, химоа во-ситалариди ва баданиниг очик жойлариди радиоактив, заҳар-ловчи моддалар, касаллик ту-гидувчи микроблар бўлиши мумкин. Уларни дарҳол йўқ қилиш керак. Лекин уларни фа-кат белгиланган жойда ва му-айян тартибда йўқ қилиш за-рур. Радиоактив зарарланиш райондан чиқиб билан ша-мога орқани ўғириб туриш, нақиди, плашч, пальто-ни ечиб, қоқиш ва арқон еки тў-синга осиб қийиш керак. Сўн-

ра радиоактив чангини сўғури-гич, чилинди, похол тутма билан юқоридан паства қа-раб сўғурилади еки таёқ билан уриб тозаланади. Поймафални сўғури еки чўтқада лойдан то-заланади ва артилади. Кийим-кечакни оқар сувда қайиб, юқумсизлантирибса ҳам бўла-ди. (Иккинчи суратга қаранг). Кийим-кечак ва поймафални юқумсизлантириб бўлгандан ке-йин противогазани ечиб, обдон артиш керак. Чанга қарши латта нийоб бўлса, уни яхши-лаб қоқиш, қайиш еки ювиш лозим. Пахта-доқа бойламини йўқотиш маъқул. Чунки ундаги радиоактив чангини кетказиш жуда қийин. Провоарида қў-қонни ечиб, касал сапига қўй-қўридан ўтиш керак. Авва-ло, қўқонни сув билан обдон ювиш, тирпоқлар тагини тоза-лаш лозим. Сўнг юзин ювиш, юзин юватган сувнинг оғиз, бурун ва кўзга тушишига йўл қўймаслик керак. Баданиниг очик қисмларини ҳам ювиш, оғиз ва томоқни тоза сув билан қайиш лозим. Сув бўлмаса хи-мияга қарши пакетдаги суяк-лиқдан фойдаланиш мумкин. Юз-қўқон ва баданиниг бошқа очик қисмларини нам сочиқ, дастурмош, доқа еки пахта та-мпонлар билан артган маъқул. Шунинг учун биринчи им-коният бўлган ҳамон тула санитария қўриғидан ўтиш керак. Бунда бутун бадан уй-да еки махсус обработка пункт-ларида йиқ сув билан сувчи-лаб ювилади. Дарё еки кўда чўқилиш билан нифолялса ҳам бўлади.

Юқумсизлантириш ва сан-итария обработкаси тўла ўтқа-нишнинг текшириш ёлдан чиқмасия. Бўйинг учун дозир-метрик контролдан ўтиш ке-рак. Заҳарловчи моддаларнинг томчилари баданиниг очик жой-ларига еки терига тушганда уларни химияга қарши пакет-даги тампон билан еки латта-пушта ва қорғоз билан ар-тиб ташлаш керак. Баданиниг очик жойлари ва кийимдаги заҳар-ловчи моддаларнинг томчилари олиб ташлагандан кейин хи-мияга қарши пакетдаги суяк-лиқ билан тозалаш лозим. Юқумсизлантириш (дегазация) учун ишлатилган материаллар-ни ерга қўқиб еки ёқиб юбо-риш керак.

Химиявий зарарланиш ўчо-ғидан чиққандан кейин ва мах-сус ажратилган жойлардагина противогаз ва терини химоа қилувчи воситаларни ечиш мумкин.



Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор уринбосар-лари — 835885, 836232, Массуъл секретарь — 834808, Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 831936, Санъат, транспорт ва нурилий бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Киш-лон хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлиари бўлими — 839050, Совет нурилийи, маъийи хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълолар бўлими — 838142, Номмутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08242. ИНДЕКС — 64697. № 5 — 1822.

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА (3-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТИДИ

17.55 — Эшиттиришлар програм-маси.

Ўзбек тилида: 18.00 — Ёшлик студияси кўрсатида. Дўстлик про-граммаси.

18.30 — Футбол. Кубок эгалари-нинг кубоги учун. Торпедо (Мос-ква) — Кардифф-Сити (Уэльс).

ТОШКЕНТ КУРСАТИДИ

20.15 — Реклама ва эълонлар.

Ўзбек тилида: 20.20 — Телеянг-лилар. 20.40 — Буюк яловбардор (К. Марис туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан). 21.10 — Совет Ўзбекистони композиторлари. Ш. Рамазонов. 22.00 — А. Навоий об-рази эъраида.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА (5-канал)

Рус тилида: 18.00 — Ўқув эши-тиришлари программаси. Химия. Металлар коррозияси. 18.30 — Физика. Электроник резонанс (ўқувчилар учун). 19.00 — Назар-ий механикадан машғулот (сту-дентлар учун).

20.15 дан — Москва кўрсатида.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА (9-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТИДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Беш йиллик ҳақида кинолар (ўқувчи-лар учун). 20.25 — Шоколад (ил-мий-оммабон фильм).

Рус тилида: 20.45 — Минус. Пахта (бир пардан балет). 21.10 — Тошкент истибони. 21.40 — Тинч ёнар дон (бадий фильм-нинг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК

КАТТА ТЕАТРА — 19/III да Ри-голетто, 20/III да Спартак.

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-МА ТЕАТРИДА — 19/III да Утир-ланган умр, 20/III да Алжонла-рини.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки усталарининг янги программаси. РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Ваткин иштирок этади. Вилетлар сотил-моқда.

КИНО

Умид кирғоғи — САНЪАТ СА-РОФИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутта).

У бир ўзи кетди (1 ва 2-серия) — «ЧАНКА», «СПУТНИК», «ЭЗВЕ-КЕСТОН», НАВОИЙ номи, «ВОС-ТОК» (кундуз ва кечқурун).

«ДРУЖБА», (эрталаб соат 11, кун-дуз 1 ярим ва кеч 8 да), САНЪАТ САРОФИ (эрталаб 11 ва кундуз соат 2 да).

Сергей Лазо — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖ-БА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТ-НИК» (эрталаб соат 11, кундуз 12 ва 4 да).

Лембошдаги мўъжиза — «КОМ-СОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

20 мартда

Советский спорт газетасининг Бойчечан мусофоти учун «ДИНАМО» (Москва) — «ЛОКОМОТИВ» (Москва) командалари ўртасида ярим финал

ФУТБОЛ МАТЧИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Кеч соат 6 яримда бошлана-ди.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО

МАРКАЗИДА

20 дан 30 мартгача

Ўзбекистон ССР енгил са-новат Министрлигига қарашли поймафал фабрикалари ишлаб чиқарган болалар оёқ кийимла-рининг

КУРГАЗМАЛИ САВДОСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

Кургазмали савдога марҳа-мат.

БОРИС ПОЛЕВОЙ 60 ЁШДА

Совет ёзувчиси Борис Никола-евич Полевой (Кампов) олтинчи ёшга тулди. Унинг кеш ва ранг-баранг ижодий фаолияти фақат мамлакатимизда эмас, балки чет элларда ҳам кўп йиллар мобайнида шухрат қозониб келмоқда.

Ёзувчининг биринчи китоби 1927 йилда босилиб чиққан. Улуғ Ватан уруши йилларида Борис Полевой «Правда» газе-тасининг ҳарбий мухбири сифа-тида танилди. У ўзининг ўтқир қалами билан Ватанимизга бо-стириб кирган ғитлер босқинчи-

ларининг хиёнаткорона қил-мишларини фот эъди, ҳақиқат албатта галаба қозонишга ишонч қўзи билан қаради.

Ёзувчининг 1946 йилда ёз-ган «Чин инсон ҳақида қисса» повестида Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. П. Маресьевнинг жасоратини мисолида совет хал-қининг қаҳрамонлигини атроф-лича ёритиб берди.

Борис Полевой бир қатор хикоя ва очерклар тўпламини-нинг авторидир. «Биз совет халқимиз», «Тилда», «Доктор Вера» каби хикоя ва очерклар ана шулар жумласидандир.

Борис Полевой ўзининг ижо-дий ва адабий фаолиятини катта жамоат ишлари билан бирга қўшиб олиб боради. У «Юность» журналининг бош редакторидир. СССР ёзувчилар Союзи Правлениесининг секре-тари қилиб сайланган, Халқаро Тинчлик Советининг аъзоси-дир.

Суратда: ёзувчи Борис Ни-колаевич Полевой.

В. Савостьянов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

